

## **“КЕЛИШИЛДИ”**

**Қашқадарё вилояти ҳокими**

**З.Мирзаев**

**2021 йил “ ” июнь**



### **Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг НИЗОМИ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (кейинги ўринларда Башқарма деб аталади) соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тизимидаги ҳудудий бўғин ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Қашқадарё вилоят ҳокимига бўйсунади.

Башқарма ўз ишини давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширади.

3. Башқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал қиласди.

4. Башқарма, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, тасарруфидаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб боради ва назорат қиласди, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини ҳамда тартибга солишни амалга оширади.

5. Бошқарма юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига эга, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудидаги банкларда ҳисобкитоб рақамлари ва валюта ҳисоб рақамларини, шахсий ғазна ҳисоб рақамларини очади, Бошқарманинг номи ёзилган муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.

6. Бошқарма рўйхатга олинган пайтидан бошлаб мустақил муассаса, юридик шахс ҳукуқидан фойдаланади.

7. Бошқармага тегишли бино, қурилмалар, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар давлат мулки ҳисобланади.

8. Бошқарма Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан барча жиҳозлар ва мулк учун жавобгар ҳисобланади.

9. Бошқарманинг расмий номи:

давлат тилида - “Qashqadaryo viloyat sog‘liqni saqlash boshqarmasi”

рус тилида - “Кашкадарьинское областное управление здравоохранения”.

Бошқарманинг манзили: Қарши шахар, Хонобод шоссеи 28-үй

## **2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари**

10. Куйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда, бошқарма тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлигини саклаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

демографик ўзгаришлар ва соғлиқни саклашни ривожлантириш истиқболларини прогнозлаш, аҳолининг саломатлиги ва касалланиши ҳолатини комплекс таҳлил қилиш;

жамоат соғлигини саклаш уступорлигини, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб қўриб чиқиш, аҳолини соғлом турмуш тарзини олиб боришга ундаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, энг аввало, ўз соғлиги ва атрофидагилар соғлигини муҳофаза қилишга масъулият руҳида тарбиялашни таъминлаш, профилактик соғлиқни саклашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш;

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узоқ умр қўриш даражасини ошириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг соғлигини саклаш ва

санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқиши;

ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини (телетиббиёт), медицина стандартларини, протоколлар ва тавсияларни кенг миқёсда қўллаш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш орқали аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитар, шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифати, оммабоплиги ва тезкорлигини ошириш;

тиббий таълим муассасалари, олий ўқув юритидан кейинги таълим ва соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш устидан услубий раҳбарликни таъминлаш орқали тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш;

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини уйғунлаштириш асосида ишлаб чиқилган тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётига фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этишда кўмаклашиш;

тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориши, улар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-услубий раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган, замонавий, халқаро амалиётда синалган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий қилиш

• фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги конунчиликнинг бажарилишини таъминлаш;

соғлиқни сақлашни бошқаришнинг барча даражаларида аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш;

бозор тамойиллари ва механизmlарини жорий этиш, мақсадли дастурларни амалга ошириш асосида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни таъминлаш;

соғлиқни сақлашни техника билан қайта жиҳозлаш ва унинг моддий базасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, ташхис қўйишга, bemорларни даволаш ва соғломлаштиришга замонавий технологиялар ва техника воситаларини жорий этиш;

фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини тиббиёт амалиётига жорий қилиш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий даражасини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

хусусий соғлиқни сақлаш тузилмалари фаолиятини ривожлантиришга ва ташкил қилишга кўмаклашиш;

хорижий инвестицияларни, халқаро ташкилотлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари маблағларини соғлиқни сақлаш тизимиға жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш.

тиббий хизматлар кўрсатишда диагностика ва даволашда ягона стандартларни жорий этиш, шунингдек уларга тиббиёт муассасаларида риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

тасарруфидаги тиббиёт муассасалари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юқумли ва ўта хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

оилада тиббий маданиятни ошириш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишларини амалга оширишни ташкил қилиш.

### **3-боб. Бошқарманинг функциялари**

11. Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

Қашқадарё вилоят худудида соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, уларни амалга оширишда давлат, жамоат тузилмаларининг ва бошқа тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

аҳолига дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиши ташкил қиласи, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини таъминлайди, тиббий хизматлар кўрсатиш сифатининг тиббий-санитария стандартларига риоя этилишини назорат қиласи;

мунтазам назоратдаги беморлар контингентининг тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлайди;

касалланиш профилактикасини такомиллаштириш ва аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш чора-тадбирларини кўради;

тасарруфидаги бутун ҳудудда аҳолига фавқулодда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлайди;

юқумли, паразит касалликларнинг, шунингдек инсоннинг яшашига ноқулай таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари билан боғлиқ бўлган касалликлар ва бошқа касалликларнинг олдини олишга доир ишларни амалга оширади;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини ривожлантиради, суд-тиббий экспертизани ва суд-руҳий экспертизани таъминлайди;

раҳбар ходимларнинг малакавий таркиби ва касбий савияси устидан назоратни амалга оширади, тиббиёт муассасаларини юқори малакали кадрлар билан бутлашни ва врачлар, фармацевтлар ва тиббиёт ходимларининг касбий малакасини оширишни таъминлайди;

Бошқарма номенклатурасидаги лавозимларга кадрлар танлашни амалга оширади ва Бошқармани юқори малакали кадрлар билан бутлашни таъминлайди;

фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини тиббий амалиётга жорий этишга кўмаклашади;

иктисодий ва молиявий ишларни ташкил қиласи, тасарруфидаги муассасалар фаолиятини таҳлил қиласи, шунингдек бюджет маблағларидан самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

соғлиқни сақлашда статистикани юритиш ишларини ташкил қиласи, тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасаларда статистик ҳисобга олиш ва ҳисбот тартиботига услубий раҳбарликни амалга оширади, статистик ахборотларнинг ишончлилигини назорат қиласи;

Бошқарма тасарруфидаги муассасалар ва ташкилотлар тузилмасини такомиллаштириш тадбирларини амалга оширади, тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил қиласи, қайта ташкил этади ва тугатади, улар тўғрисидаги низомлар ва уставларни белгиланган тартибда тасдиқлади;

тасарруфидаги соғлиқни сақлаш муассасалари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда давлат шерикчилиги бўйича таклифлар ишлаб чиқади, соғлиқни сақлашнинг нодавлат (хусусий) секторини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шартшароитлар яратади;

турли фавқулодда вазиятлар ва ҳалокатларни бартараф этиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади, одамларнинг ҳаётини сақлаш ва саломатлигини муҳофаза қилишга, фуқароларни фавқулодда вазият ҳудудидаги вазият ва кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқади, Бошқарма тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар фаолиятидаги қонунчилик бузилишларини, камчиликларни бартараф этишга доир зарур чора-тадбирларни кўради;

белгиланган тартибда халқаро алоқаларни, соғлиқни сақлаш соҳасидаги чет эл тажрибасини ўрганишни ва ундан фойдаланишни амалга оширади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **4-боб. Бошқарманинг хукуқлари**

##### **12. Бошқарма қўйидаги хукуқларга эга:**

тасарруфидаги муассасаларда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, ишларни такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали тиббиёт кадрлари тайёрлаш масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун ваколатли органларга белгиланган тартибда киритиш;

ўз ваколатига кирувчи соғлиқни сақлаш масалалари бўйича конференциялар, семинарлар, кенгашлар, учрашувлар ўtkазиш, қўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, давлат бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан Бошқармага юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотларни сўраш ва олиш;

мажлисларида, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг Бошқарма ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ахборотларини эшлиши;

худуддаги санитария-эпидемиологик вазият билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун ҳокимлик ҳузуридаги Фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясига киритиш;

ўзига тегишли муаммоларни ҳал қилишга илмий муассасаларни, олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва банк ҳамда бошқа кредит муассасаларида қонунчиликда белгиланган тартибда валюта рақамларига эга бўлиш;

бюджетдан ташқари маблағлардан ходимларнинг самарали меҳнатини рағбатлантиришда фойдаланиш;

тасарруфидаги муассасаларнинг амалдаги қонунчиликка хилоф равишда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш.

## 5-боб. Бошқарма ишларини ташкил этиш

13. Бошқармага Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Қашқадарё вилоят ҳокими билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қиласи.

14. Бошқарма бошлиғи Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринbosарга ва ўринbosарларга эга бўлади.

15. Бошқарма бошлиғи қуидагиларга шахсан масъул хисобланади:

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, улар ишини самарали ташкил этилишини таъминлайди, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи;

тиббиёт ташкилотларининг ҳудудий тармоқлари фаолиятини самарали ташкил этиш, бирламчи тиббий-санитария, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдамнинг сифати ва оммабоплиги, идоравий бўйсунувидаги ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминланишини назорат қилиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ривожланиш ҳудудий дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, тиббиёт ташкилотларини ва аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлаш, тиббий ва маҳсус техниканинг самарали ишланиши ва ўз вақтида янгиланиши;

тиббий ёрдамни босқичма-босқич ва изчиллик принципи асосида уларнинг оқимларини оқилона ва асосли маршрутлаш йўли билан беморларни турли даражадаги (турдаги) тиббиёт ташкилотларига йўналтиришнинг холис тизимини ташкил этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқига риоя қилиш назоратини таъминлаш, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларига сифат менежменти тизимини татбиқ этиш;

соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида буйруқлар, йўриқномалар чиқаради ҳамда ўзига қарашли барча муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради ва уларнинг ижросини текширади;

Бошқармани давлат органларида ва бошқа ташкилотларда ифодалайди ёхуд бошқарма номидан ишончномалар ва (ёки) ваколатлар беради;

Бошқарма марказий аппарати штат жадвалини белгиланган ходимлар сони доирасида, шунингдек, бошқарма марказий аппарати ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

Бошқармага ажратилган молиявий ва моддий воситаларни белгиланган тартибда тасарруф этади;

Марказий аппаратнинг бўлинмалари тўғрисидаги низомни, шунингдек, бошқарма тизимиға кирадиган ташкилотларнинг низом, уставлари ва тузилмасини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Бошқарма марказий аппарати ходимларини, ташкилотларнинг раҳбарларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи, бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, бошқарма бўлимлари ва бошқарма тизимиға кирадиган ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

зарурат бўлганда марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган штатдаги умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

Бошқарма ва бошқарма тизимиға кирадиган ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Бошқарма тизими ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, бошқарма тизимининг алоҳида ўrnak кўрсатган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари, шунингдек, бошқа фахрий ёрликлар билан тақдирлашга ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тақдим этади;

Бошқарма аппарати ходимларини ва ўзига қарашли ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган номенклатурага мувофиқ лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласи;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга эга бўлади.

#### 17. Бошқарма бошлигининг ўринбосарлари:

бошқарманинг мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларига бевосита раҳбарлик қиласида ва уларга биректирилган масалалар бўйича бошқармага юклangan вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

уларга бошқарма бошлиғи томонидан юклangan бошқа функцияларни амалга оширадилар.

18. Бошқармада бошқарма бошлиғи (ҳайъат раиси), бошлиқнинг биринчи ўринбосари, бошлиқ ўринбосарлари ва бошқа вакиллардан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби бошлиқнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат қуидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

бошқарма фаолиятининг аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, фуқароларнинг аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланган даражасида ва сифатида малакали тиббий хизмат олишга бўлган конституциявий хукуқларига риоя этилишини, аҳолининг кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг барча турларидан тенг баҳраманд бўлишини таъминлаш бўйича ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

Бошқарма номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун бошқарма раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Бошқарма таркибий бўлинмалари ва бошқарма тизимиға кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш, қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш масалаларини, бошқарманинг муҳим буйруқлари ва бошқа хужжатлари лойиҳаларини ҳамда текширишлар якунларини муҳокама қилиш.

Ҳайъат Бошқарма ваколатига тааллукли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳукуқига эга.

Ҳайъат мажлисига Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа бошқармалар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари бошлиқнинг буйруқлари билан амалга оширилади. бошлиқ ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда бошлиқ пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қиласди. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

## **6-боб. Моддий рағбатлантириш чоралари**

19. Бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Бошқарма ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

21. Бошқарма ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантирувчи тусдаги қўшимча ҳақлар бошлиқ томонидан тасдиқланадиган бошқарма марказий аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-куватлаш тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ тўланади.

22. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси маблағлари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар бошқарма ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

23. Бошқарма ходимларини моддий рағбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низом бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

## **7-боб. Бошқарманинг молия-хўжалик фаолияти**

24. Бошқарманинг молия-хўжалик фаолияти қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Қуидагилар Бошқармани молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Бошқарманинг жорий фаолиятини сақлаб туришга, унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича тадбирларни амалга ошириш, шунингдек бошқарманинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хайрия эҳсонлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

26. Бошқарма бошлиғи маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

#### **8-боб. Ҳисоб-китоб ва бошқарманинг ҳисоботи**

27. Бошқарма белгиланган тартибда даврий асосда статистика ва бошқа ҳисоботларни амалга оширади.

28. Бошқарма ўз фаолияти тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар тақдим этади.

#### **9-боб. Якуний қоидалар**

29. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.